БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 234 (17.814). • 11 октябрь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

# ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

## ТЕРИМДА

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТАЙЛИК!

**Кузнинг ғанимат кунлари тобора оз қолмоқда. Шунинг учун пахта йиғим-теримини ҳар томонлама жадаллаштириш зарур. 9 октябрь куни республика бўйича 131760 тонна хом ашё териб олинди. Мавсум бошидан буён 4 миллион 617110 тонна нинчка толали пахта тайёрланди.**

**Ҳозир Бухоро области заршуносларининг кунига йиллик планнинг 3,09 процента миқдорида пахта тайёрлаб, энг юқори ўсишга эришяптилар. Уларгдан сўнг Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Наманган областларининг деҳқонлари боришмоқда.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан минглаб шаҳарликлар деҳқонларга ёрдамга келишмоқда. Уларнинг унумли ишлаши ва яхши дам олиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш керак.**

**Мурожаатда таъкидланганидек, далаларда меҳнат ғайратини ҳар томонлама кучайтириш, 15—20 кун ичида бутун ҳосилни йиғиб-териб олиш, ҳар бир бригада, хўжалик, район қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлаши керак.**

**Йиғим-терим илғорлари — ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарган Тошкент области пахтакорларидан ўрнак олинг!**

### ТАНИШИНГ: ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

✦ БУХОРО ОБЛАСТИНИНГ НАВОИЙ ВА ОЛОТ РАЙОНЛАРИ. Мамлакат бу районларнинг заршуносларидан қарийб 65 минг тонна қимматли хом ашё қабул қилиб олди.

✦ АНДИЖОН ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛОБОД РАЙОНИ. Бу район азаматлари давлатга 30 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб бердилар. Комсомолободлик чўлқуварлар ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказиш учун интилмоқдалар.

✦ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КАТТАҚЎРҒОН РАЙОНИ. Каттақўрғонлик пахтакорлар давлатга 57500 тонна «оқ олтин» топширдилар. Улар давлатга яна 15 минг тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор қилдилар.

✦ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ КИТОБ РАЙОНИ. Йиллик планни муваффақиятли уддалаган китобликлар 36 минг тонналик маррани эгаллаш учун курашни авж олдириб юбордилар.

Андижон область Бўз районида машина терими плани бажарилди. 14 та терим-транспорт звеносига бирлашган 220 нафар механизатор терим агрегатларини юқори унум билан ишлатдилар ва қабул пунктларига 22 минг тоннадан ортиқ аъло сифатли хом ашё жўнатдилар.

Қамаши районидаги Гагарин номли, Ғузор районидаги Куйбишев номли, Бойсун районидаги Ойбек номли, Оқолтин районидаги «Фарғона», Эллиққалъа районидаги «Москва», Арнасой районидаги Тимошенко номли совхозлар, Чироқчи районидаги «Партия XXIV съезди», Пахтачи районидаги Карл Маркс номли, Вобкент районидаги Калинин номли ва «Ўзбекистон» колхозлари.

Ҳозир Сурхондарё областининг кўплаб хўжаликларида социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширилятпи. Пахтакорлар мусобақасида машина терими суръатларини пасайтирмай меҳнат қилаётган Гагарин ва Ангор районлари механизаторлари олдинда боришмоқда. Бу районларда ҳар бир терим агрегати билан кунига 5 тоннагача нинчка толали пахта терилмоқда.

### БУЛАР СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРДИЛАР

✦ Жиззах районидаги Жданов номли совхоз. Хўжалик азаматлари давлатга 3660 тоннадан зиёд пахта топширдилар ва ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар.

✦ Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхози. Колхоз пахтакорлари эл хирмонига 5010 тоннадан зиёд дурдона топширдилар.

✦ Фарғона область Ленинград районидаги барча хўжаликлар беш йиллик планни адо этдилар. Район меҳнаткашлари давлатга яна 15 минг тонна «оқ олтин» топширадилар.

* * *

Ҳосил тақдири кўп жиҳатдан машиналардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Лекин айрим область ва районларда ҳанузгача кўплаб агрегатлар бекор туриб қоляпти ва бу ҳол пахта йиғим-терими суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Бухоро областида 1190 та, Сурхондарё областида 1055 та, Қорақалпоғистон АССРда 873 та машина ишламади. Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми 1,5 тоннадан ошмаётир.

**Пахта йиғим-теримининг ҳал қилувчи кунларида терим техникасининг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик зарур.**

**ВЛКСМ аъзоси Сабоҳатхон Мамажонова Қарши даштини ўзлаштириш. бу ерда «оқ олтин» ундириш мақсадида Қашқадарё областининг Усмон Юсупов районига Фарғона областидан келган. Мана икки йилдирки, у раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари илғорлар қаторида тилга олинади. Бу йил бригада аъзолари 50 гектар ердан 35 центнердан нинчка толали пахта етиштириш учун курашмоқда. Суратда: Усмон Юсупов районидаги «Советская Россия» қўриқ совхозининг бригадири С. Мамажонова.**

**Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).**

## 20 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН УЧУН

**КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган Киров районидаги Киров номли совхоз пахтакорлари она-Ватан хирмонига 15424 тонна «оқ олтин» тўкиб, йиллик планни шараф билан бажардилар. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга топширилди. «Зангори кема» капитанлари ялпи ҳосилкинг 6500 тоннасини агрегатлар билан териб беришди.**

**Планнинг бажарилишига Комсомол, Ёш ленинчи, Ленинобод, Ленинград, Фрунзе номли бўлимлар пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Холиқов, Юнусали Бойбоев, Иномжон Жалолов, Икромжон Сафаров, Мўйдинжон Ғаниев, Шермат Тўхтаев, Турғунбой, Умаров синғари пахта усталари етакчилик қилаётган бригадаларда гектаридан 40—50 центнердан хирмон кўтарилди.**

**Далаларда ҳамон иш авжида. Совхоз марди майдонлари республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига жавобан йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар. Улар 20 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиш учун барча имкониятларни ишга солишяпти.**

## БИЛИМЛАР — КЕНГ ОММАГА

Республика «Билим» жамияти правлениесининг 10 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш юзасидан лекция пропагандасининг вазифаларини муҳокама этди. Жамият правлениесининг раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев доклад қилди.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, жамият ташкилотлари ўзининг бутун фаолиятини КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талабларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажаришга бўйсундирганлар. «Съезддан съездгача» мавзуида ижтимоий-сиёсий лекциялар ташкил этилмоқда, коммунистик қурилишда КПССнинг раҳбарлик роли ортиб бораётганлигини, фан-техника тараққиёти негизида халқ хўжалигининг барча тармоқлари жўшқин ривожланаётганлигини, халқларнинг ленинча дўстлиги ва совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги тобора мустаҳкамланаётганлигини кўрсатиб берувчи лекциялар ўқилмоқда.

Лекция пропагандасининг форма ва методлари такомиллаштирилмоқда. Радио ва кинолекторийларнинг ишига, телевидение орқали олиб бориладиган лекциялар туркумига, билимнинг турли тармоқлари юзасидан халқ университетларига катта аҳамият берилмоқда. Жамиятнинг илмий методик кенгашлари ва комиссиялари тингловчиларнинг турли группаларига мўлжалланган лекцияларнинг тематикасини ишлаб чиқди. Жамият активлари оммани план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, Ўзбекистоннинг 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин»и учун курашга сафарбар этишда партия комитетларига амалий ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга, жамият ташкилотларининг ҳаммаси ҳам лекция иши олдига қўйилаётган талабларни тўлиқ даражада бажарялпти деб бўлмайди. Оғзаки пропаганда воситалари ва формаларининг ҳаммасидан етарлича фойдаланилмаяпти. Лекциялар сифатини ошириш учун ҳамма иш қилинаётгани йўқ.

Пленум шуни таъкидладики, КПССнинг ташқи ва ички сиёсатини кенг тушунтириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишни собитқадамлик билан олиб бориш — жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Коммунистик қурилишнинг янги босқичида партия ўртага қўйётган планларнинг мақсади, вазифаси ва хусусиятларини ёрқин ва таъсирли қилиб кўрсатиш зарур. Ўнинчи беш йиллик якунлари тўғрисида гапирганда, мамлакат, республика, областлар, шаҳарлар ва районлар халқ хўжалигини, конкрет корхоналарни ривожлантириш истиқболларини ва меҳнат коллективларининг мана шундан келиб чиқадиган вазифаларини тушунтириб бериш керак. Жамият ўзининг бутун фаолияти билан меҳнаткашларда ҳаётдаги актив позицияни шакллантириш, уларни Коммунистик партиянга, социалистик Ватанга, коммунизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялаши, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этиши керак.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

**ҚАРШИ, 10 октябрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги тантаналарда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмалари асосида дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш соҳасидаги вазифалари муҳокама этилди.**

Йиғилишда Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Ғойипов доклад қилди.

Докладчи, шунингдек йиғилишда сўзга чиққан Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари Н. Ҳ. Ҳикматов, Қамаши район партия комитетининг биринчи секретари М. А. Оллоёров, Нишон районидаги К. Маркс номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Ҳазратқулова, Муборак районидаги 32-совхоз директори С. Изетов, Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эшбоев, Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони Т. Нуриев, Чироқчи районидаги Охунбоев номли совхоз директори У. Раззоқов шуни қайд этиб ўтдиларки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш масалалари область партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалик органларининг доимо диққат марказида турибди.

Аммо ҳамма хўжаликлар ҳам юксак натижаларга эришаётганлари йўқ. Областда ихтисослаштирилган хўжаликлар кўп эмас, суғориладиган ерлар самарадорлиги паст. Областдаги мавжуд паррандачилик фабрикаларининг, қорамоллар сўқимга боқиладиган комплексларнинг қувватлари ўзлаштирилмаган. Тез етиладиган тармоқлар — чўчқачилик ва қўйчилик суст ривожланмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари ҳал этилмаган проблемаларга эътиборни жалб қилдилар. Чорвачилик самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини амалда кенг жорий этиш учун барча мавжуд резервларни ишга солиш муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Косондаги паррандачилик комплексини реконструкциялашни ниҳоясига етказиш, Свердлов номли чўчқачилик совхозининг қувватларини кенгайтириш чорва ва парранда боқиб семиртириладиган ҳамда парвариш қилинадиган янги комплекслар қурилишини жадалроқ олиб бориш, саноат корхоналари, қурилишлар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини, гражданларнинг шахсий хўжаликларини ривожлантириш керак.

Қашқадарё области ўн биринчи беш йилликда ўнинчи беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп дон олиш, дон етиштиришни 1 миллион тоннага етказиш учун барча имкониятларга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Илғор агротехникани, минерал ўғитлар, гербицидларни кенг қўлланиш асосида маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш лозим. Маккажўхорикорликни ривожлантириш— дон етиштиришни кўпайтириш резервигина бўлиб қолмай, шу билан бирга чорвачиликда ем-хашак базасини вужудга келтириш резерви, кўпайиб бораётган чорванинг ем-хашакка тобора ортаётган эҳтиёжини қондириш калити ҳамдир. Чорва туёғини кескин кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш вазифалари муносабати билан шу тармоқни ривожлантириш айниқса актуал бўлиб қолмоқда. Навбатдаги беш йилликнинг охирига бориб гўшт етиштиришни икки баравар, сут ва тухум етиштиришни уч-тўрт баравар кўпайтириш зарур. Бунинг учун ургочи моллари кўпайтириш, чорва ва парранда зотини яхшилаш бораси-даги ишларни кенг кўламда олиб бориш керак. Ҳар бир хўжалик 500—1000 бош қорамолдан иборат подага эга бўлиши зарур.

Чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш — муҳим вазифадир. Шу мақсадда ҳар бир районда ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялаштирилган чўчқачилик комплекслари вужудга келтирилиши керак. Ёш молларни парвариш қилувчи хўжаликлараро корхоналар чорва туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Ана шундай корхоналар қурилишини ҳамма жойда кенгайтириш керак. Дағал хашакнигина эмас, шу билан бирга ҳашаки лавлаги, беда, арпа, маккажўхори, ҳашаки экинларнинг янги истиқболли навлари — қайровуқ ва чоғон етиштиришни ҳам кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Партия-хўжалик активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилганидек, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенгайтириш, 1980 йилги давлат планлари ва мажбуриятларни ҳамда умуман беш йилликни сўзсиз бажариш учун курашиш — область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг бурчидир. Партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларни меҳнат коллективлари Қашқадарё халқ хўжалигини ривожлантиришда янги юксак марраларни эгаллашига қаратишлари керак.

## ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИНИНГ БАЙРАМИ

**Ўзбекистонда Финляндия маданияти кунларининг қатнашчилари Финляндия халқининг ҳаёти, унинг халқчил санъати тўғрисида, давлатларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатларни ривожлантириш ҳақида ёрқин ҳикоя келтирдилар. Бу байрам 10 октябрь куни Тошкентда бошланди. Бу байрам Самарқанд ва Бухоро, Андижон ва Фарғонада ҳам ўтади.**

Иккинчи маориф министри Калеви Квисте бошчилик қилаётган Финляндия делегациясининг қатнашчилари республикадаги биринчи кунни пойтахт билан танишишга бағишладилар. Улар В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳамда Номаълум солдат қабрига гулдасталар қўйдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрдилар. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда янги қурилиш районлари, метрополитен билан ҳам танишдилар.

Кечқурун Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида маданият кунларининг тантанали очилиши бўлди. Унда сўзга чиққан нотиқлар республиканинг меҳнаткашлари финляндиялик меҳмонларни Совет Ўзбекистонининг экономика, фан ва маданият турли соҳаларида эришган ютуқлари билан таништиришдан хурсанд эканликлари тўғрисида гапирдилар. Улар Финляндия маданиятининг ҳозирги байрами икки мамлакат халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш буюк ишига, тинчлик ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Кечада Финляндия делегациясининг бошлиғи Калеви Квисте нутқ сўзлади. У Ўзбекистон диёридаги учрашувлар самимий ва сидқидилдан бўлаётганлигини айтиб маданият кунлари дўстона муносабатларни ривожлантиришга, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга даъват этилган, деб таъкидлади.

Тантанали кечада берилган концертда фин фольклор оҳанглари, Ян Сибелиус ва бошқа атоқли композиторларнинг асарлари ижро этилди.

Кечада Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

## 5 850 000 ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 10 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОШКЕНТ | 1,05 | 103,50 | 1,12 | 96,36 |
| Бухоро | 3,09 | 95,45 | 3,85 | 61,62 |
| Қашқадарё | 2,63 | 89,39 | 3,32 | 70,09 |
| Жиззах | 2,64 | 84,84 | 3,25 | 91,22 |
| Сирдарё | 2,78 | 83,49 | 3,09 | 87,51 |
| Сурхондарё | 2,29 | 83,27 | 1,97 | 71,36 |
| Самарқанд | 2,70 | 79,38 | 2,90 | 55,54 |
| Фарғона | 2,18 | 75,08 | 2,46 | 50,65 |
| Хоразм | 1,71 | 73,25 | 2,36 | 53,17 |
| ҚҚАССР | 1,13 | 71,31 | 1,23 | 60,06 |
| Андижон | 2,41 | 69,31 | 2,89 | 44,63 |
| Наманган | 2,63 | 62,96 | 2,94 | 41,14 |
| Республика бўйича: | 2,27 | 79,61 | 2,70 | 66,47 |
| Шу жумладан нинчка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 4,04 | 68,33 | 3,29 | 54,09 |
| Бухоро | 1,94 | 60,22 | 1,34 | 10,13 |
| Қашқадарё | 2,90 | 49,16 | 2,75 | 28,52 |
| Наманган | 2,14 | 44,79 | — | 15,34 |
| Республика бўйича: | 3,47 | 61,48 | 2,86 | 41,39 |

## СОВЕТ—СУРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

9 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад ва Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, Сурия Араб Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри А. Х. Ҳаддам билан суҳбати ўтказилгач, Совет-Сурия музокаралари ниҳоясига етди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет-Сурия муносабатларига доир кўпдан-кўп масалалар ва шу муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан, шунингдек бир қанча энг зарур халқаро проблемалар юзасидан фикрлашувлар давом эттирилди.

САР Президенти Ҳ. Асаднинг Совет Иттифоқига қилган визити натижаларидан иккала томон мамнун эканлиги изҳор этилди.

Визит якунлари хусусидаги Совет-Сурия қўшма ахборотининг тексти матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

## ҲАФИЗ АСАД МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Сурия партия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб расмий дўстона визит билан мамлакатимизга келган Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад 10 октябрь куни Совет Иттифоқидан ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда Ҳ. Асадни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

**Аэродромда кузатиш пайти.**

**ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# ЖАНГОВАРЛИК ЙЎЛИДАН

— Ҳозирги кунда, —дейди комбинат партия комитетининг секретари М. Шарипова, — бутун совет халқи қатори комбинатимиз коммунистлари, барча ишчи, инженер-техниклар и м и з КПСС XXVI съезди шарафига зўр кўтаринки руҳда меҳнат қилаётирлар. Бу борада 250 нафарга яқин коммунистларимиз авангардлик намунасини кўрсатаётгани кувончлидир. Улар 11 та цех партия ташкилоти, 20 дан зиёд партия группалари теварагида жипслашган. Ҳисобот даврида КПСС аъзоларининг сафи, сифати ва жанговарлиги ўсди. Меҳнатга муносабати, ижодкорлиги юксалди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, коллектив ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи қарор топишига ёрдам бермоқда.

Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч ярим баравар, меҳнат унумдорлиги бир ярим марта кўпайгани, шу асосда беш йиллик топшириғи 1980 йил апрель ойидаёқ уддаланганлиги коммунистларнинг ғайрат-жасоратидан далолат бериб турибди. Коллектив йил охиригача беш йиллик планига кўшимча равишда 65 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳисобот-сайлов йиғилишида икки беш йиллик топшириғини уддалаб қўйган А. Иномов, А. Тошбоев, Д. Баҳодирова, акаука Содиқжон ва Собиржон Икромовлар шаънига илиқ, самимий гаплар айтилди. Асосий диққат-эътибор ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини оширишга партиявий таъсир кўрсатиш, ишчиларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб бериш масалаларига қаратилди. Комбинатда уч турдаги маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Бу соҳадаги изланишлар қизғин давом этмоқда.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати кучайганлигини таъкидладилар. Б. Акбаров, И. Ваҳобов, С. Тўхтабоев каби коммунистлар ишлаб чиқаришга янги техниканы жорий этиш, рационализаторлик таклифларини қўлланишига катта эътибор бермоқдалар. Уларнинг ғайрат, ташаббуси билан салкам бир миллион сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Бекасам тўқишдаги ёғир қўл меҳнати автомат машина-механизмлар гардишига юкланди. 1-тўқимачилик бўяш-пардозлаш цехларида ўнга яқин рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 200 дан ортиқ кишини бошқа участкаларга ишга кўчириш имкони туғилди. Ҳисобот даврида Учқўрғон ва Наманган районларида комбинат филиаллари ишга туширилди. Бу тадбир маҳсулот ҳажмини бешдан бир ҳисса кўпайтиришга имкон берди.

Коммунистлар ҳамиша изланишда, ўқиш ва ўрганишда. Пешқадам тўқувчи С. Суфиева КПСС аъзолари сафини энг яхши, илғор ёшлар ҳисобига ўстириш зарурлигини таъкидлади. У меҳнат қилаётган цехда 600 ишчидан атиги 35 кишигина партия аъзоси ҳисобланади. Бу, албатта, кам. Ишчиларнинг деярли кўпчилиги меҳнатда илғор, катта ҳаёт тажрибасига эга. Улар смена топшириқларини 130—140 процент адо этмоқдалар. Тўқувчи Н. Нажмиддинов, комбинат комсомол комитетининг секретари Д. Мамажонов, тайёрлов тўқув фабрикаси бошлиғи Р. Пўлатов ўртоқлар кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш соҳасидаги ютуқ ва камчиликларга тўхталдилар. Ҳисобот даврида барча цех, участка, бўлим ва бригадалар малакали тўқувчилар, инженер-техниклар билан мунтазам таъминлаб турилди. Бир қанча участкаларда кадрлар резерви вужудга келтирилди. Бироқ, ҳали партия ташкилоти бу соҳада анча ишлар қилиши, ҳар бир коммунист, ишчини тўпширилган вазифани сидқидилдан бажариш руҳида тарбиялаши лозим.

Кадрларнинг қўнимсизлиги масаласи ҳали тўла-тўкис ҳал этилганича йўқ. Комбинат партия комитети маъмурият ва касаба союз комитети билан ҳамкорликда бирмунча ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни амалга оширди. Лекин, бу етарли эмас. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1200 киши ишга қабул қилиниб, салкам 400 киши ишдан бўшатиб юборилган. Ишчиларнинг қўнимсизлиги туфайли 4200 иш куни йўқотилди. Бунинг оқибатида комбинатнинг ипак пишитиш, пиллакашлик цехларида давлат планлари бажарилмай қолди. Демак, партия ташкилоти ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик савиясини кўтариши, ҳар бир ишловчига партиявий таъсир кўрсатишнинг услуб ва формаларини такомиллаштириши лозим.

Ҳисобот даврида коммунистларнинг умумий йиғилиши, комитет мажлисларида иш сифати ва самарадорлиги, коммунистик тарбия, марксча-ленинча билимларни эгаллаш ҳамда ғоявий-сиёсий чиниқиш, меҳнат активлиги ва авангардликни кучайтиришга қаратилган актуал масалалар муҳокама этилган. Лекин партия йиғилишларида ўртага ташланган танқидий фикрлар, таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг талай қисми бажарилмай қолган. Жумладан, машина ускуналаридан фойдаланишни яхшилаш, бу соҳадаги хўжасизлик кўринишларига барҳам бериш, ҳом ашё ва материаллар тежамини кучайтириш юзасидан партия йиғилишларида айтилган таклифлар тўла бажарилмади. КПСС Устави талаблари асосида ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш партия ички демократиясини ривожлантириш масалаларига эътиборни кучайтириш зарур.

Комбинат партия комитетининг комсомол, касаба союз, халқ контроли группа ва постлари, хотин-қизлар Советлари ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарлик савиясини кучайтиришга диққат-эътибори қаратилди. Коммунистларни, барча меҳнат аҳлини сўз билан иш бирлиги руҳида тарбиялаш, ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг актив ҳаётий позициясини кучайтириш, коллективда ишчанлик, ташаббускорлик, бирбиримизга ўзаро ҳурматлаш, камчиликларга муросасизлик руҳини қарор топтириш—партия ташкилотининг бош вазифаси, бинобарин, комбинат социал-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига барча цех, участкаларда меҳнат активлиги, партиявий жанговарликни кучайтириш ҳар бир партия аъзосининг муқаддас бурчи, шон-шараф иши эканлигини таъкидланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз-ўзини танқид, камчиликларни муқаррар суръатда бартараф этиш, коммунистларнинг ишчанлик, жанговарлик позициясини янада кучайтириш руҳида ўтди. Қабул қилинган қарорда жуқновчи йил план ва социалистик мажбуриятларини, умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирлар белгиланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги юбилей тантаналарида сўзлаган ёрқин нутқида айтилган қоида ва хулосалар асосида партиявий-ташкилий ҳамда сиёсий ишларни янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Коммунистлар корхонанинг иккинчи навбати қурилишини тезроқ тугаллаш ҳамда партия XXVI съезди шарафига йил охиригача янги корхона ҳисобидан камида 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этилди.

Комбинат коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши зўр кўтаринки руҳда, партия аъзоларининг кенг иштирокида, ҳақиқий савияда ўтказилди. Ҳар бир коммунистнинг, барча ишчиларнинг якуновчи йил вазифалари ҳамда келгуси беш йилликка пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори меҳнат кўтаринкилиги руҳида бошлашга актив тайёргарлиги яққол сезилиб турди. КПСС аъзолари, партиясиз активлар ва барча меҳнат аҳлининг муқаддас бурч ва вазифалари белгилаб олинди.

**Т. НАЗИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

**1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА**

Марғилон ипак комбинати пиллакашлари касбдошлари Ф. Холомина билан Л. Рачиева ўртоқларни катта меҳнат ютуғи билан табриклашди. Бу икки новатор пиллакаш бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Улар бу меҳнат зафарига хизмат зонасини кенгайтириш, вақтдан, ҳом ашё ва резервлардан унумли фойдаланиш, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш туфайли эришдилар. Беш йиллик бошидан буён ҳар бири 4,5—5 тонна ўрнига 9 тоннадан сифатли ипак тайёрлади. Илғор пиллакашлар 1986 йил ҳисобига иш бошлашди.

**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*

**«КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз»— пойтахтимиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг ахди ана шундай. Улар коммунистлар анжумани шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб, катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Кўплаб ишчилар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётир. Суратда: съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган илғор йигирувчи Ш. Қаюмова. У кунлик топшириқларини 130—135 процент қилиб адо этмоқда.**

**И. Глауберзон фотоси.**

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР—«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

# АҲИЛЛИК САМАРАСИ

Экономикамизнинг барқ уриб ривожланиши учун кураш ишига Фарғона бинокорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Янги ишлаб чиқариш қувватларини вақтида фойдаланишга топшириш ва мавжуд корхоналарни реконструкциялаш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мусобақаси тобора авж олмоқда. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига авж олиб кетган бунёдкорлик ҳаракатида ажойиб самараларга эришиляпти.

Съездолди мусобақасининг ҳозирги натижалари кишини қувонтиради. Қурилиш ва монтаж ташкилотлари бутун куч ва имкониятларни фойдаланишга топширилаётган объектларга сафарбар қилиш тажрибасига қатъий амал қилаётирлар. Областда сўнгги вақтларда қурилиш ва монтаж ташкилотларининг иши яхшиланганлигига оид мисоллар анчагина. Шуни таъкидлаш керакки, беш йиллик бошидан буён 1 миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди. Шундан, 700 миллион сўмликдан кўпроғи корхоналар қурилишига сарфланди. Ўзлаштирилган капитал маблағ қариб 1,5 миллиард сўмга етди. Бу, қатор янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, мактабларда, мактабгача болалар муассасаларида ўринлар сони кўпайди, кўплаб уй-ой кварталларида ҳовли тўйлари ўтказилди, демакдир.

Бинокорлар мусобақасида 9-қурилиш, «Ферганаводстрой», «Ферганаирстрой» трестлари, уйсозлик комбинати, механизациялашган 5-бошқарма ва бошқа коллективлар олдинги сафларда бормоқдалар. 30 га яқин бинокорлар коллективлари ўнинчи беш йиллик учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар.

Фарғона азот ўғитлари заводи, Қувасой цемент комбинати, Қувадаги нон маҳсулотлари комбинати каби қатор корхоналарда янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Ана шу корхоналарнинг қувватини оширишда қурувчилар ва монтажчилар катта тажриба тўпладилар. Энг яхши тажрибаларни баҳам кўриш, кенг ёйиш Фарғона бинокорларига хос яхши одат бўлиб қолди.

Бу йил ишга туширилаётган объектлар қурилишида илғор тажрибалардан кенг фойдаланишнинг самараси айниқса қувончлидир. Реконструкция қилинаётган корхоналарда монтажлаш, пардозлаш ишларини жадаллаштиришда катта тажриба тўпланди. Бунга Қўқон пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинатида қўлланилаётган тажриба яққол мисол бўла олади.

— Муваффақиятларимизнинг сабаби шундаки, — дейди илғор қурувчи Р. Мўминов, — бизда умумий иш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинади.

Реконструкциялаш ишлари бошланган дастлабки қунданоқ ана шу объектда баракали меҳнат қилиб келаётган Р. Мўминов ва унинг бошқа ҳамкасблари якунловчи йил, умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш мусобақасида ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Пешқадам бинокор таъкидлаганидек, корхонани реконструкция қилиш жараёнида энг яхши тажрибаларга кенг амал қилинди. Янги ташаббуслар туғилди. Уларни қўллаб-қувватлаш корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ишларини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ишга барака киритаётган, бинокорлар меҳнатининг самарасини ошираётган тажрибалардан бири шуки, Қўқон комбинатида бош механик бўлиминнинг мутахассислари ҳам корхонани реконструкция қилишда фаол иштирок этиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Ўз корхонасининг қудратини оширишга кўмак бериш манфаатдорлигини қалбдан ҳис этган комбинат мутахассислари бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчилар билан биргаликда қатор объектларни фойдаланишга топширишни тезлаштиришга эришдилар.

— Корхонамизни реконструкциялаш батамом тугаллашига жуда қисқа вақт қолди, — дея ҳикоя қилади комбинат бош инженери ўртоқ М. Исмоилов. — Реконструкциялаш — ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, иш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш, дегани. Реконструкциялаш иш шароитини яхшилаш, тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини кўтариш демакдир.

Комбинат бош инженери корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ишларининг тугалланиши бу ерда ўн биринчи беш йилликда юксак самарадорликка эришиш учун мустаҳкам замин ҳозирлашини таъкидлади. Реконструкциялаш ишлари тугаллангач, комбинатда келгуси беш йилликда 46 миллион жуфт пайпоқ-носки ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Фойдаланишга топширилган янги тўқув цехида маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. 14-қурилиш трестининг 705-бошқармаси бинокорлари бош пудратчига хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш ва қурилиш ишларини тезлаштириш юзасидан авж олиб кетган социалистик мусобақада бу коллектив байроқдорлар қаторидан ўрин олди.

Корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришдан иборат масъулиятли ишга И. Қаҳидов бошлиқ комплекс бригада, Д. Тян раҳбарлик қилаётган пардозловчилар бригадаси аъзолари баракали ҳисса қўшаётирлар. С. Нуъмонов, Н. Шойбоқов, С. Баранов каби ўнлаб ишчилар ўзларига топширилган вазифани тезроқ, сифатлироқ бажаришга эришаётирлар. Улардаги касб маҳоратининг ортиб бораётганлиги, энг яхши тажрибаларга амал қилиш иштиёқи объектларни барвақт ишга тушириб, самарадорликни оширишга ёрдам беряпти.

Пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинатини ёшартириш — техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари батамом тугалланишига тобора қисқа муддат қолмоқда.

Комбинатда тажрибали ишчи Одина Жўрабоева янги автоматик усулнаки ишга тушириш ҳуқуқига мушарраф бўлди. У машинанинг турли системалари билан чуқур танишиб чиққач, корхонани реконструкциялаш планига кўра жорий этилган бу янги техникани юксак баҳолаб шундай деди:

— Эндиликда иш гоят енгил ва қулай кўчмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлиги 25 процент ўсди. Ўрта Осиё республикаларига жўнатилаётган барча маҳсулотлар сифати ортди. Коллективимиз КПСС XXVI съезди шарафига зардбор вахтада меҳнат қилиб, якунловчи йил охирига қадар ускуналарнинг лойиҳа қувватини тўла ўзлаштиришга аҳд қилган. Бу, белгиланган муддатга нисбатан олти ой илгаридир.

Фарғона ип комбинатидаги янги тегирмон қурилиши ишларининг боришини чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу ерда қурувчи билан буюртмачи ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

Қўқон комбинати мутахассисларининг ўз корхонаси реконструкциясини жадаллаштириш учун қурувчилар билан куч-ғайратларни бирлаштириш тажрибасининг область қурилиш майдонларида кенг ёйилиши катта фойда келтиради.

**Ж. ХОЛКОСИМОВ,**
**О. ХАКИМОВ.**
**«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.**

# ТАШАББУСГА КЎШИЛИБ

Тошкент шаҳар Киров районидаги ўнлик ўрта таълим даргоҳларидан ҳисобланади. Педагогика коллективимиз ўзининг фахрланса арзийдиган анъаналарига эга. Таълим-тарбия, ўқитиш ишларини тўла-тўкис кабинет системасига ўтказганимизга 7—8 йил бўлиб қолди. 17 та ўқув кабинетида машғулотлар кўргазмали қуроллар, техник воситалар ёрдамида олиб борилади, синфда республикамиз телевидениеси орқали берладиган баъзи машғулотларни кўрсатамиз. Ўқув-тарбия ишида пайдо бўлаётган янгиликлар, қимматли методлардан дарҳол фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Мактабимизда ташкил этилган ўқитиш комитети таълим-тарбия ишини янада такомиллаштириш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Барча синфларда касб танлаш бурчагини ташкил этмоқдамиз. Мазкур тадбир ўқувчилар қалбида ёшликданоқ касб-ҳунарга меҳр уйғотиш, уларни гармоник тарзда тарбиялашга хизмат қилади.

Коллективимиз ўртасида Киров райони ўқитувчиларининг мурожаатини ишлаб чиқдик ва ҳар биримиз конкрет вазифаларни белгилаб олмоқдамиз. 24 йилдан бери шу мактабда ўқитувчилик киламан. Ҳалигача ўз фанимиз бўйича бирор ўқувчи ўзлаштиролмай қолган йил бўлган эмас. Шу ўқув йили охиригача синфимда 100 процент ўзлаштиришга эришиш, аълочилар сафини ҳозирги пайтдаги 38 процентдан 60—65 процентга етказиш, ёш педагогларга мураббийлик қилиш мажбуриятларини олдим. Айни вақтда коллективимиздаги ҳар бир ўқитувчи ана шундай конкрет вазифаларни белгилаб олмоқда. Пойтахт маорифчиларининг ташаббусига жавобан ўз фаолиятимизни янада активлаштирамиз, жонажон партиямизнинг XXVI съездини муносиб совғалар билан кутиб оламиз.

**Тўпанисо НАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳридаги В. В. Куйбишев номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

Республикамиз бўйлаб

ЖИЗЗАХ

## ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

Жиззах районидаги «Коммунизм» совхозининг учинчи бўлимида янги посёлка қад кўтарди. Посёлкада ўнта майда қишлоқнинг аҳолиси янги уйларга кўчиб кирди.

Посёлка ҳашар усулида қурилди. Бу ерда 150 та уйжой, мактаб, магазин бор. Йил охиригача посёлкада 90 ўринли болалар боғчаси, стадион қуришга қарор қилинди.

БУХОРО

## ДАШТДА ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИ

Томди район матлубот кооперациясига Ленин номли совхоз қорақўлчиларидан янги буюртмалар туша бошлади. Хўжалик меҳнатчилари бу ерга кўпроқ холодильник, кондиционер, электр плиталари ва бошқа электр асбобларини олиб келишни илтимос қилмоқдалар.

Район марказидан совхозга янги электр линияси тортилди. Бу билан Қизилқум марказида жойлашган Бухоро областидаги яна бир олис чорвачилик хўжалигини электрлаштириш ниҳоясига етди. Шу вақтгача бу ерда фақат бир неча дизель қурилмалари ишлар эди.

# ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИ

*Конкрет экономика масалалари*

В. И. Ленин 1918 йилдаёқ «...давлатнинг бутун иқтисодий механизмини бирлашган катта машинага ва миллионларча кишиларни бир план билан ишлайдиган қилувчи хўжалик организмига айлантириш керак, бизнинг зиммамизга тушган гоят катта вазифа ана шудир» деган эди.

Совет ҳокимияти йилларида В. И. Ленин башорат қилган ғоялар изчиллик билан амалга ошиб, Коммунистик партия раҳбарлигида хўжаликни юритиш ва планлаштириш практикасининг такомиллаштириб борилиши натижасида контроль рақамлардан йиллик планларга, йиллик планлардан перспектив планлар тузишга ўтилди, ривожланган социалистик жамият шароитида миллионларча кишиларнинг бир план асосида ишлашини таъминловчи хўжалик механизми шакилланди ва мустаҳкамланди. Социалистик экономиканинг муваффақиятлари фикримизнинг далилидир.

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим ва якунловчи кўрсаткичи — миллий даромад 1965 йилдаги 193,5 миллиард сўмдан 1979 йилда 438,3 миллиард сўмга, шу ҳисобда республикамизда 5,5 миллиард сўмдан 15,5 миллиард сўмга кўпайди.

Бундай иқтисодий кўламларни ифода этувчи рақамлар ягона хўжалик организмига бирлашган 43 минг ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, мустақил балансдаги комбинатлар ва корхоналар, 26,5 минг колхоз, 20,8 минг совхоз, 26 мингдан ортиқ қурилиш ва монтаж ташкилотлари, 9246 хўжаликларо ташкилотлар ва шунингдек халқ хўжалиги учун хизмат қилувчи темир йўл, таъминот ва бошқа хўжалик ташкилотларининг ўнинчи беш йилликни бажаришдаги фаолиятини ифода қилади. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида халқ хўжалигига 501 миллиард сўмдан ортиқ, шу йилнинг биринчи ярмида эса 51 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфланди, республикамизда 4 йил ичида 19 миллиард сўм сарфланган бўлса, 1980 йилнинг биринчи ярмида 2,1 миллиард сўм ўзлаштирилди. Бу маблағларни ўзлаштириш натижасида мингдан ортиқ саноат корхонаси, шу ҳисобда республикамизда ўнлаб йирик саноат корхоналари барпо қилинди, ишлаб турган корхоналар кенгайтирилди ва реконструкция қилинди.

Ишлаб чиқаришнинг ана шундай кенг кўламда ўсиши, иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашганлиги, илмий-техника кашфиётларини ишлаб чиқаришга кенгроқ татбиқ этиш зарурлиги хўжалик механизмига нисбатан янги, юксак талаблар қўймоқда. «Фан ва техникадаги революция, — деган эди Л. И. Брежнев, — планлаштириш ва иқтисодий ривожланишни такомиллаштиришни талаб қилади». Ўтган йили эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори, шунингдек КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисидаги» қарори ана шу юксак талабларни ўзида ифода этади.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «бу ҳужжатлар бутун бошқарув ва планлаштирув фаолиятини юксак пировард халқ хўжалик натижаларига эришишга, ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжларни янада тўлароқ қондиришга мўлжалланган».

Хўжалик механизмини қайта қуриш катта хўжалик-сиёсий вазифадир. Хўжалик механизми мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категориядир, у ишлаб чиқариш формалари, ундаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ва хўжалик алоқалари системасини, халқ хўжалик планига раҳбарлик қилиш форма ва методларини, иқтисодий рағбатлантириш масалаларини ўз ичига олади. Молия механизми хўжалик механизмининг ажралмас ва таркибий қисмидир. Молия маълум мақсад учун ташкил қилинган пул ресурслари фондларидир ва бу фондларни барпо этиш ва улардан фойдаланишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Совет молияси ижтимоий маҳсулот ва унинг асосий қисми бўлган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш асосида давлат социалистик корхона ва ташкилотлар ва уларнинг юқори органлари ихтиёрида ижтимоий ишлаб чиқаришни таъминлаш, аҳолининг моддий ва маданий даражасини ошириш ва социалистик даллатнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун пул ресурслари фондини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғланган пул муносабатларидир. Молия механизми молиявий планлаштириш, молия ресурслари ва молияни бошқаришни ташкил этишни ўзаро боғловчи системадир. Молия механизмида СССР давлат бюджети марказий ўрин тутади. СССР миллий даромадининг 60 процентдан ортиғи бюджет орқали тақсимланади. 1980 йил СССР давлат бюджети 284,8 миллиард сўм миқдорида тасдиқланган, унинг даромадларининг 91,1 проценти социалистик корхона ва ташкилотлардан келади. Бюджет харажатларининг энг кўп қисми (87 процентдан ортиғи) халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлашга сарфланади. СССР давлат бюджети марказлаштирилган молия плани ҳисобланса, ҳар бир корхона, бирлашма, министрлик ўзининг молия плани даромад харажат балансини тузади. Бу планлар марказлаштирилмаган молия планларига киради.

Пиғма молиявий баланс ўз даромад ва харажатларининг миқдори ва таркиби жиҳатидан бюджетга нисбатан каттадир. Бу балансга бюджет даромадлари ва харажатларидан ташқари министрликлар, бирлашмалар, корхона ва ташкилотларнинг молия планларидаги кўпчилик кўрсаткичлар ҳам киритилади, яъни баланс марказлаштирилмаган пул ресурслари фондини ҳам ўз таркибига олади. Балансда барча молиявий ресурсларнинг ифода этилиши беш йиллик план топшириқларини бажариш учун етарли маблағлар миқдорини тўғри планлаштиришга ва молиявий резерврларни ҳосил қилишга ҳам ёрдам беради. Бундан ташқари йиғма молия балансининг тузилиши иқтисодий ва социал ривожланиш плани кўрсаткичларини шакллантиришга, уларнинг сифат даражасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Йиғма молиявий баланс тузиш қанчалик мураккаб ва масъулиятли талаб қилувчи иқтисодий масала эканлигини кўрсатиш учун шундай рақамларни келтириш ўринлидир. Ўнинчи беш йиллик вазифаларни бажариш учун 1,9 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, XI беш йиллик вазифаларини бажариш янада кўпроқ маблағ сафарбор этишни тақозо этади. Ана шу маблағлар молиявий баланса ифода этилади. Беш йиллик йиғма молиявий баланс ва бюджет иттифоқ бўйичагина эмас, иттифоқчи республикалар бўйича ҳам тузилади. Бу планларни республика миқёсида тузиш экономистлардан қатор методологик масалаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Шу йил май ойида Ўзбекистон Фанлар академияси Экономика институти ва республика «Билим» жамияти томонидан ўтказилган иқтисодий конференцияда илгари сурилган фикрлар ва қабул қилинган тавсиялар диққатга сазовордир, улар ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

СССР Олий Советининг 10-чақириқ учинчи сессияси маҳаллий Советлар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган янги қонун қабул қилди. Бу қонун маҳаллий Советлар бюджет ҳуқуқларини кенгайтиради. Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш мақсадида, маҳаллий Совет территориясида жойлашган иттифоқ ва республика аҳамиятидаги корхоналар соф фойдасининг бир қисмини маҳаллий бюджетларга ўтказишни кўзда тутади. Беш йиллик бюджет лойиҳалари тўғрисида бу янги тавсиялар экономистларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Партия ва ҳукуматимизнинг хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарорларида иқтисодий омил ва рағбатлантириш усулларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга актив таъсирини кучайтириш кўзда тутилган. Шунингдек хўжалик муносабатларини янада такомиллаштириш, министрликлар, бирлашмалар, корхоналарнинг ўз рентабелликларини ошириш мақсадида фойдани тақсимлашнинг норматив усулини қўллаш тавсия қилинган.

Бу усул бир неча иттифоқ министрликларида синовдан ўтди. Бу усул бўйича беш йиллик план топшириқларига қараб, фойдадан министрликда бир қисмини қолдириш учун ажратманинг барқарор нормативи аниқланди. Масалан, 200 миллион сўм

5 МИЛЛИОН 850 МИНГ ТОННА ПАХТА ЎЧУН

# ҚЎРИҚ «ОҚ ОЛТИН»И

Толлимаржон Қарши чўлида ташкил этилган кенжа районлардан бири бўлиб, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Айни кезда чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар ҳам жадал ривожлантириляпти. Қўриқнинг кенжа райони чўлқуварлари шу зонада биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлат тайёрлов пунктига 28 минг тоннадан ортиқ чўл дурдонаси етказиб берилди.

Чўл шароитида ишчи кучи кам. Шу сабабли ўн беш минг гектар майдонда ғўза парваришидан тортиб, пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини машиналар, механизм-агрегатлар зиммасига ортмоқдамиз. Районимизда механизаторларнинг янги отряди камол топди. Улар пахта йиғим-терими бошланган дастлабки кунларданоқ жасорат кўрсатиб меҳнат қила бошладилар. 300 га яқин механизатор 38 терим-транспорт отрядига уюшиб, давлатга топширилган ялпи ҳосилнинг 95 процентини бункерлардан тўкдилар, ўз зиммаларига юклатилган дастлабки вазифани шараф билан бажардилар.

Пахта теримида ибрат кўрсатаётган механизаторлар жуда кўп. «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозидан Насриддин Абдуллаев, Маҳбуба Сандолимова, Сальвадор Альенде номли совхоздан Эргаш Набиев, Муҳаббат Авлиёқулова, «Туркманистон» совхозидан Санобар Ваҳоб-жонова, Хурсандмурод Мўминовларнинг бункерлардан тўккан пахтаси 300—350 тоннани ташкил этди. Механизаторларимизнинг ҳаммаси олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бир ғайратга ўв ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилган куни қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаати эълон қилинди. Биз ўз ишимизни шу Мурожаат асосида таҳлилдан ўтказдик. Гап шундаки, районимиздаги олтита пахтачилик совхозидан бештаси планни бажарди, биттаси эрта-индин рапорт беради. Шундай қилиб, районимиз бўйича барча хўжаликларимиз планларини адо этиб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездига муносиб тўёна тайёрлайдилар. Кези келганда шуни айтиш керакки, «Самарқанд», «Навбаҳор», «Туркманистон» совхозлари юксак мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлаганларига анча бўлди. Бу хўжаликларнинг чўлқуварлари пахта ҳосилдорлигини кескин кўтариш учун астойдил курашмоқдалар. Районимиз бўйича 30 пахтачилик бўлими, 130 бригада ҳам мажбурият ҳисобига пахта топшияпти.

Ҳосил тақдири бригадаларда ҳал қилинишини яхши биламиз. Шу сабабли бригадаларга бошлиқ этиб ташкилотчи, техникага ихлосманд, чўлқуварларни янги меҳнат зафарлари сари бошлаб боришга қодир кишиларни қўйганмиз. Улар партия ва халқ ишончини оқламоқдалар, чўлқуварлик номини шарафламоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рўзи Аҳмедов, Давлат Умаров, Темир Ҳамдамов, Очил Муродов бошлиқ ва бошқа пахтачилик бригадаларининг аъзолари гектаридан 37—40 центнердан чўл дурдонаси етиштирдилар, планларини муддатидан илгари бажардилар. Эндиликда бу бригадаларнинг чўлқуварлари ҳосилдорликни 50—55 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Далалардаги ҳосилни чамалаб чиқиб, районимиз бўйича планга қўшимча 10 минг тонна пахта тайёрлашга, ялпи ҳосилни 35 минг тоннага етказишга қарор қилдик. Барча совхозларимиз ўзларининг катта хирмонлари билан бу орзуимизни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар. Шу кунларда далаларда теримчилар ва механик-ҳайдовчилар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. План бажарилган бўлса ҳам, суръатни бўшаштиришга ҳаққимиз йўқ. Областимиз, қолаверса, республикамиз юксак социалистик мажбуриятни бажаргандагина ўз бурчимизни ўтадик дея оламиз.

Хўжаликларимиздаги эллиқта кўрак чувиш, етмишта кўсак узиш машиналарини, эллик бешта тўкилган пахтани терадиган агрегатларни ишга шайлаб қўйганмиз. Кези келганда уларни ҳам тўла ишга тушурамиз, «оқ олтин»нинг бир миқолини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Районимиз бўйича кунига йиллик планнинг 2,5 — 3 процента миқдорида пахта тайёрланишини таъминламоқдамиз. Мавсум охиригача суръатни бўшаштирмаслик учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз. КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини ҳар қачонгидан ҳам қувонарли меҳнат ғалабаларига эришиш билан кутиб олямиз.

**Б. ИМОМОВ,**
**Толлимаржон район Совети ижроия комитетининг раиси.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### СЪЕЗД ШАРАФИГА

СОФИЯ. Бутун Болгарияда еттинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, БКП XII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда. Бу умумхалқ ҳаракатида кун сайин ёрқин меҳнат зафарлари, меҳнаткашларнинг янгидан янги ажойиб ташаббуслари юзага келмоқда. Корхоналарнинг коллективлари саноат ишлаб чиқариши суръатларини кучайтирмоқдалар, деҳқонлар бу йилги ҳосилни муддатида йиғиштириб олиш ва ундан тўла-тўкис фойдаланиш учун куч-ғайратни аямаяптилар.

Варна округининг ишчилар синфи «Съезд шарафига муносиб ишлар қиламиз, юксак натижаларга эришамиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Округдаги тўқиз-та корхона ва 170 та бригада ҳозирнинг ўзидаёқ шу беш йиллик топшириқлари бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. 15 мингдан кўпроқ ишчи навбатдаги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

### ИНТЕГРАЦИЯ САМАРАЛАРИ

БЕРЛИН. Ғарбий Сибирдаги Сургут шаҳридан Лейпциг химия қурилмалари ишлаб чиқариш комбинатига келган хушхабар коллективни қувонтирди: комбинатнинг Совет Иттифоқига юборган нефтни қайта ишлашга тайёрловчи янги қурилмаси синаб кўрила бошлаган эди.

ГДР газеталарида Варнемюндаги «Варнов —Верфт» кемасозлик корхонасида «Шиффбау» кемасозлик комбинати мутахассислари билан Ленинграддаги марказий кемасозлик технологияси илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари биргаликда ишлаб чиққан янги металл қирқиш станоги ишлай бошлаганлиги тўғрисидаги хабар айни бир вақтда эълон қилинди. Бу станок электрон усулда бошқарилади ҳамда кесишнинг аниқлиги ва тезлиги билан ажралиб туради.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасидан олинган мана шу икки мисол социалистик иқтисодий интеграция принципларининг афзаллигидан. СССР билан ГДР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисида бир йил муқаддам Берлинда имзоланган программа муваффақиятли амалга оширилаётганидан дарак беради.

Ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. 10 йил муқаддам СССР билан ГДР ўртасидаги товар айирбошлашда ихтисослаштирилган усулда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши бир процентдан ошмаган бўлса, шу йилнинг охирига келиб у 35 процентга етиши керак.

### ҚОЯЛАР ВА ЖАРЛИКЛАР ОША

БУХАРЕСТ. 120 километр узунликдаги Питешти — Брашов янги электр линияси Карпат тизма тоғининг қоялари ва жарликлари устидан олиб ўтилди. Айрим жойларда у денгиз сатҳидан 1500 метр баландликка кўтарилди. Баланд тоғлардаги жуда мураккаб шароитда қурилиш давомида баландлиги 40 метрдан 60 метргача борадиган 530 та улкан металл тирғак ўрнатилди. Ишга туширилган юқори вольтли трасса халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Мамлакат жанубидаги энг катта станциядан олинадиган электр энергия шу линия орқали Брашов, Клуж ва бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналарига берилади.

### ФАН ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг катта саноат маркази — Эрдэнэт шаҳрида фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибани пропаганда қилиш ҳафтаси бошланди. Ҳафтани МХР Фанлар академияси ва МХР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника давлат комитети монгол ҳамда совет илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда ташкил этдилар. Шаҳар меҳнаткашлари фан ва техниканинг сўнгги кашфиётлари билан, новаторлар ва рационализаторларнинг ютуқлари билан танишдилар. (ТАСС).

### МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

БРЮССЕЛЬ, 10 октябрь. (ТАСС). Кеча Бельгия пойтахтида Ғарбий Европа 21 мамлакат коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг икки кунлик учрашуви тугади. Учрашув капиталистик мамлакатлардаги кризис ва унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган проблемаларга, ишчи ва демократ кучларнинг ўз ғалабаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги, жамиятни чуқур социал ва демократик тарзда ўзгартириш йўлидаги курашига бағишланди.

Учрашув чоғида Ғарбий Европадаги социал-иқтисодий аҳвол, қитъанинг айрим мамлакатларидаги вазият, капиталистик давлатлардаги меҳнаткашлар оммасининг манфаатлари учун курашнинг ҳозирги босқичида коммунистлар олдида турган вазифалар хусусида кенг миқёсда самарали фикрлашиб олинди.

Анжуманда барча делегацияларнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Бўлиб ўтган муноза-ра табиий тафовутларга қарамай, ҳозир Ғарбий Европа мамлакатларида вужудга келган вазиятда нўпгина умумий белгилар борлигини кўрсатди. Бу белгилар орасида: иқтисодий кризиснинг кучайиши, ўнг кучлар ҳужумининг активлашиши, меҳнаткаллар аҳволининг ёмонлашиши, ишчилар синфи йирик капиталнинг қисувига кучли зарба бераётганлиги бош белгилардир.

Делегатлар социал-иқтисодий проблемалар билан бир қаторда коммунистик ва ишчи партияларнинг қуролланиш пойгасига қарши, Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учадиган ядровий ракеталари жойлаштирилишига қарши, халқаро муносабатларда янги иқтисодий тартиб учун олиб борилаётган курашнинг актуал масалалари тўғрисида гапирдилар.

Анжуманни ёпиш пайтида Бельгия Компартияси делегациясининг раҳбари, Бельгия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. де Кониик таъкидлаб ўтганидек, «Учрашув дўстлик муҳитида ўтди, жуда фойдали бўлди. У Ғарбий Европа коммунистларининг муштарак мақсадлар йўлидаги курашида ўз куч-ғайратларини бирлаштиришларига ёрдам беради».



АДР. Мамлакат пойтахтида чиқаётган АХДП Марказий Комитетининг матбуот органи — «Ҳақиқати инқилоби Саур» газетасининг асосий мақсади — партия аъзолари ва халқ оммаси ўртасида партия бош йўлини пропаганда қилиш, унинг сафларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ташкилотчилик ва маориф ишларини олиб боришдир. Суратда: «Апрель революцияси ҳақиқати» газетасининг тарқатувчиси.

В. Будан фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғон қуролли кучлари партия активи ва маҳаллий аҳоли мадади билан аксилинқилобчи шайкалар — Америка империализми, Хитой гегемончилари ва маҳаллий реакция ёлланган кучларини тугатиш юзасидан муваффақиятли операциялар ўтказмоқдалар.

Яқинда Забол вилоятининг Шахжўй уездида бандитлар группаси тугатилди. Ана шу ёлланган кучлардан Америка, Хитой ва Покистонда ишлаб чиқарилган кўп миқдорда отиш қуроллари, қўл гранаталари ва танкка қарши гранаталар тортиб олинди.

Қундуз, Балх, Праван, Фариаб вилоятларида ҳам аксилинқилобчи шайкаларни тугатиш операциялари муваффақиятли ўтказилди.

* * *

Кобулда Афғонистон Демократик Республикаси ёзувчилар союзининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Афғонистоннинг 500 дан кўпроқ ғаниқли адиблари янги ижодий союзни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун пойтахтга тўпландилар.

Съезд делегатлари АДР ёзувчилар союзини тузиш ва Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришда, янги жамият барпо этишда адиблар-нинг вазифалари тўғрисидаги докладларни, АДР ёзувчилар союзининг устави ҳақидаги докладни тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Съездда бир овоздан қабул қилинган резолюцияда янги ижодий союз тузилганлиги эълон қилинди, унинг устави тасдиқланди. Мамлакат ёзувчилари ва шоирларининг вазифалари белгиланди.

ЖАЗОИР. Ҳозирги вақтда Жазоир Халқ Демократик Республикасининг шарқидаги Гелма вилоятида 10 мингдан кўпроқ квартира қурилмоқда. Яқинда қабул қилинган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1980—1984 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани туфайли қурилиш ишларини ана шундай кенг авж олдириш мумкин бўлди. Бу планга мувофиқ, уй-жой қурилишини кенгайтириш учун қарийб 60 миллиард динар ажратилди.

Расмий маълумотларга кўра, келгуси ўн йилликда Жазоирда ҳар йили 100 мингта квартира фойдаланиш учун топшириладиган бўлади.

АНҚАРА. Хавфсизлик кучлари Туркияда террорчиларни аниқлаш юзасидан операциялар ўтказаётганликларига қарамай, мамлакатнинг айрим районларида сўл ва ўнг экстремистларнинг ғиғвогарлик ҳаракатлари давом этмоқда.

Матбуот хабарларига қараганда, номаълум шахслар Мардин шаҳри оқсоқолини оғир яралаб этганлар, Измирда иккита бомба, улардан бири «Пан-Американ» авиакомпаниясининг ваколатхонасида портлатилган. Истамбулда экстремистлар банк идораларининг ўнлаб бинолари остига бомба қўйишган. Бу бомбаларнинг бир қисми портлаб, натижада катта моддий зарар етказилган. Анқаранинг баъзи районларида ҳам бомбалар портлатилган.

* * *

«Бариш» газетасининг сиёсий обзорчиси А. Ш. Эсмер Туркия территориясида чет эл ҳарбий базалари жойлаштирилишини қоралаб чиқди. АҚШ ва НАТОнинг ана шу объектлари, деб таъкидлайди у ўз мақоласида, Туркия учун жиддий хавф туғдирмоқда, чунки бу базалар қуролли можаро бошлангундай бўлса, биринчи нишон бўлади. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлайди Эсмер, мамлакат территориясида ана шу Америка ва НАТО базаларининг мавжудлиги қўшни мамлакатлар билан нормал муносабатлар ўрнатишга халақит бермоқда.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг кооператив ҳаракати мамлакат мустақиллиги йилларида иқтисодий-иқтисодий тараққиётнинг қудратли омили бўлди. Бу ҳаракат ташкил этилган кунининг 75 йиллигини октябрь ойининг бошларида нишонлайди. Ҳозирги вақтда Умумҳиндистон кооператив иттифоқи қишлоқ ва қисман шаҳар аҳолиси намояндаларидан иборат 100 миллиондан кўпроқ аъзони бирлаштириб турибди.

Кооператив ҳаракати Ҳиндистон қишлоғини ўзгартиришда, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Миллион-миллион ҳинд деҳқонлари кооперативлар воситаси билан уй-жой қурилишида енгил ва имтиёзли кредитлар олмоқда, уруғлик ва уй ҳайвонлари, турли саноат моллари, шу жумладан ўғит, қишлоқ хўжалик техникаси ва инвентарларини сотиб олмоқда.

(ТАСС).

## ХХР элчихонасига нота

Хитой маъмурларининг Совет-Хитой чегарасидаги ғиғвогарлиги муносабати билан ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрлигининг нотаси 1980 йил 9 октябрь куни ХХРнинг Москвадаги элчихонасига топширилди.

Нотада айтиладики, 1980 йил 5 октябрь Чита вақти билан соат чамаси 10 ларда уч совет қуролсиз граждани дам олиш чоғида қайиқда Аргунь дарёсига тушиб Чита областининг Нер-Заводской районидаги Аргунск қишлоғи яқинида балиқ овлаш билан шуғулланар эди. Афтидан, ёрдамга чақирган маҳаллий хитойликнинг илтимосига биноан улар дарёнинг Хитой соҳилига яқинлашдилар, аммо ХХРнинг пистирмада яширинган ётган ҳарбий хизматчилари уларни қўқисдан ўққа тутдилар. Шу пайт совет граждан-ларидан бири ўлиб, қайиқдан йиқилиб тушди, мана шунда Хитой ҳарбий хизматчилари унинг жасадини олиб кетишдилар.

Шундай қилиб, 5 октябрь куни Совет-Хитой чегарасида Хитой маъмурлари илгаридан режалаштириб қўйган ғиғвогарлик содир бўлди, деб уқтирилади нотада. Совет чегара вакиллари Хитой томонининг мана шу ҳаракатларига қарши дарҳол кескин норозилик билдирдилар. Шундай бўлишига қарамай, ХХР Ташқи ишлар министрлигининг ССР элчихонасига 1980 йил 6 октябрда топширган нотасида ишнинг тафсилотлари мутлақо бузиб кўрсатилди, «кескин норозилик» билдиришга урниб кўрилди, бу «норозилик»нинг асоссизлиги жуда равшан кўриниб турибди. ССР Ташқи ишлар министрлиги шуни таъкидладики, Хитой томонининг бундай ҳаракат қилиш усули фақат битта жуда хунук мақсадни кўзлаши мумкин, бу мақсад — мамлакатда иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш учун муттасил ҳаракат қилиб келаётган Совет Иттифоқига нисбатан душманликни яна-да кўпроқ авж олдиришдан иборат.

ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Хитой томонига ХХР маъмурларининг шу йил 5 октябрь куни Совет-Хитой чегарасида уюштирган ғиғвогарлиги, совет гражданининг ўлдирилганлиги хусусида норозилик билдирди ҳамда айбдорларни жазолашни ва чегарада нормал вазиятни таъминлаш ҳамда келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик чораларини кўришни талаб қилди.

ХХР элчиси СССР Ташқи ишлар министрлигининг нотасини ўз ҳукуматига топ-ширишга ваъда берди.

## ЭКСПАНСИЯЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТЛАРИ

**Хитой маъмурлари сентябрда ВСР чегарасида тинимсиз қуролли ғиғвогарликлар чиқариб турдилар, Вьетнам халқига қарши янги жиноятлар қилдилар, дейилади Хитой экспансиячилари ва гегемончиларининг жиноятларини текширувчи комиссиянинг Ханойда эълон қилган ахборотида.**

Сентябрда, деб таъкидланади ҳужжатда, Хитой ҳарбийлари Вьетнам-Хитой чегарасида юзлаб қуролли ғиғвогарликлар қилишди. Ахборотда уқтириб ўтилишича, шу даврда Пекин ВСРга қарши пропаганда кампанияси-ни ҳаштирди, Вьетнамга «иккинчи бор сабоқ бериш» билан бир неча бор дўқ қилди, шу йилнинг охирига белгиланган Хитой — Вьетнам музокараларининг учинчи даврасини ўтказишдан бош тортди. (ТАСС).

## ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД. Ироқ билан Эрон ўртасида актив уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган 66-ахборотида, жумладан маълум қилинадики, Ироқ қўшинлари Эроннинг 27 танкини, ракета учирадиган установкасини мажақлаб ташлаганлар, бир вертолётини уриб туширганлар.

Эрон авиацияси, дейилади ахборотда, Киркук шаҳри ва Сулаймония вилоятидаги граждан объектлари ва иқтисодий объектларга ҳужумлар қилди. Бу ҳужумлар натижасида олти киши жароҳатланган. Граждан иншоотларига шикаст етказилди.

Ироқ авиацияси ҳам Эрон территориясидаги ҳарбий ва иқтисодий объектларга зарбалар бериб, уларга каттагина зарар етказди.

ТЕҲРОН. Эрон матбуоти бутун фронт бўйлаб Ироқ қўшинлари чекинаётганлигини ёзади. Эроннинг диверсиячи группалари муваффақият билан ҳаракат қилаётганлиги айтилади. Улар душман орқа томонида иш кўриб Добе Херданда Ироқнинг 16 танкини ва Сусан-Герда 10 танкини ишдан чиқарганлар.

Матбуот маълумотларига кўра, Хуррамшаҳрда кўча жанглари давом этмоқда. Бу жанглар чоғида қўйинги кунларда Ироқнинг 150 солдати ўлдирилган. Эрон вертолётлари ва штурмчи авиацияси Ахваз шаҳри районида Ироқнинг 5 танкини ва 6 зенит батареясини тормор келтирди.

Теҳрон радиосининг хабар қилишича, Ироқ қуролли кучлари Диزфул шаҳрини ракета ўқига тутганлар, бунинг натижасида бир неча уй-жой вайрон қилинган. Аҳоли ўртасида кўпдан-кўп қурбонлар бор. (ТАСС).

## ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЛОНДОН. Тез орада ажнабий сайёҳларга Англия пойтахтини қуш парвози баландлигидан кўриш имконияти берилади. Сайёҳлар бунинг учун дирижабларга тушиб кўтарилдилар. Лондон шаҳрининг маъмурлари шундай қарор қабул қилдилар. Ҳозир Англиядаги икки фирма йўловчилар ташийдиган ва юк ташийдиган икки хил дирижабль лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда.

* * *

Лондон—Глазго линиясида Англия темир йўл компанияси «Бритиш рейл» янги учқур экспрессининг синовлари бўлиб ўтди.

Экспресс соатига 160 миль (260 километр чамаси) тезликда юра олади. Поезд махсус қоплама талаб этмайдиган оддий рельсда юра олади ва дунёда шу типдаги энг учқур пассажир поезди бўлади.

БРАЗИЛИА. Бензин нархи кўтарилиб кетганлиги сабабидан Бразилияда мотори шакарқамиш спирти билан ишлайдиган автомашиналар мазкур бўлиб бормоқда. Кейинги кунларда ана шу типдаги автомобиллар 10—15 процент кўпроқ сотилди. Келаси йили Бразилия автомобиль саноати мотори спиртда ишлайдиган 500 мингта автомобиль ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

«Жорнал ду Бразил» газетасининг хабар қилишича, бразилиялик олимлар авиация моторини ҳам шакарқамиш спиртида ишлайдиган қилиб, ўзгартирдилар.

НЬЮ-ЙОРК. Аризоналик Ж. Шукрафт билан Р. Рипс Қўшма Штатларни ғарбдан шарққа ҳаво шарида кесиб ўтмоқчи, бўлдилару, лекин ниятларига етолмадилар. Шанба куни Калифорниядан кўтарилган ҳаво сайёҳлари бир неча кундан сўнг АҚШнинг Атлантика соҳилига етмоқчи бўлдилар. Улар маррага етай деб қолганларида қаттиқ момақалдироқ бошланиб кетди. Қоронғи зулматда шар тез пасая бошлади ва ерга ғар-етмас юксак волтли линия симларига ўралишиб қолди. Шунда аэронавтлардан бири саватдан ўзини ерга ташлаганда, шар юқорига кўтарилди ва шерниги парашют билан ерга қўниб саёҳатни тугатишига тўғри келди. Ҳаво экипажидан ҳеч ким шикаст топмади.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МЕҲНАТ ШУҲРАТИ МИНБАРИ

# МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ

**Ильич районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олматотада сўзлаган нутқидаги кўрсатмаларни амалга ошира бориб, катта зафар қўндилар. Давлатга пахта етказиб бериш бўйича йиллик план муддатидан илгари 9 октябрда бажарилди. Она-Ватанга қарийб 59 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 50 минг тоннаси машиналарда терилди.**

**Ильич районининг пахтакорлари бу йил катта жасорат кўрсатдилар. Уларнинг ўнинчи беш йиллигининг якунловчи йилида пахтадан эрта ва мўл ҳосил етиштириш йўлида амалга оширган тадбирлари мақтовга лойиқдир. Эришилган катта зафарга райондаги барча хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар. «Правда» совхозининг Ленин ордени кавалери Э. Ботиров, Титов номли совхознинг Р. Суннатов, «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг Н. Абдуллаев, Ҳамид Олимжон номли совхознинг Ж. Мирфайзиев етакчилигидаги бўлимлар ҳар гектар ердан 30-35 центнердан ҳосил олдилар. Хўжаликларнинг қатор бригадаларида ҳосилдорликни 50 центнергача етказиш учун кўраш қизғин бормоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Идиқулов, икки марта Ленин ордени билан тақдирланган Н. Абдуллаев, М. Ҳакимова, Г. Умарова бошлиқ бригадалар чўл шароитида 35-43 центнердан ҳосил олишга эришдилар.**

**Механик-ҳайдовчиларнинг улуши катта бўляпти. Машина терими плани район бўйича 110 процент қилиб бажарилди. Пахтазорларда 72 йиғим-терим транспорт отрядлари мунтазам ишлаб турибди.**

**— Ўнинчи беш йиллик мобайнида давлатга пландаги 236 минг 570 тонна ўрнига 273 минг 438 тонна пахта етказиб бердик, — дейди Ильич район партия комитетининг биринчи секретари С. Отахонов. — Беш йиллик план 115,6 процент бажарилди. Шу йиллар мобайнида пландан ташқари 37 минг тонна пахта сотилди. Айни чоғда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва уни кўпайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Чорвачилик жадал суръатлар билан ривожлантириляпти. Давлатга пилла, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етказиб бериш беш йиллик топшириқларни анча ошириб бажарилди. Сут ва гўшт тайёрлаш планлари бўйича беш йиллик марраси-дан ўзиб кетилди.**

**Ғалаба қучган район хўжаликларида ҳозир бутун диққат-эътибор етиштирилган барча пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни ниҳоясига етказиш ва давлатга сотишни муваффақиятли ўтказишга қаратилган. Юксак социалистик мажбурият бугун эрта бажарилади. Район бўйича 65 минг тонна чўл дурдонаси она-Ватанга ҳадя этилади. Бу чўлқуварларнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совғаси бўлади.**

фойда олиш учун планлаштирилган норматив 60 процент белгиланган бўлса, бу ҳолда норматив бўйича министрлик ихтиёрида 120 миллион сўм қолдирилади, унинг ҳисобидан капитал маблағлар, оборот ва маблағларни ўстириш, иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш ва планда кўзда тутилган бошқа тадбирлар учун маблағ ажратилади. Агар ажратилган фойда етарли бўлмаса, у ҳолда етишмаган маблағлар кредит ёки бюджет ҳисобидан тўлдирилади.

Шу билан бирга, ички хўжалик резервларидан фойдаланиш учун корхона манфаатдорлигини ошириш мақсадида пландан ортиқча олинган фойданинг 50 процента (фойда плани 3 процентга ошириб бажарилганда), агар план 3 процентдан ортиқроқ бажарилса, олинган фойданинг 25 проценти корхона ихтиёрида қолдирилади.

Фондлар учун олинадиган ҳақ миқдори давлат бюджети даромадларининг 10 процентдан ортигини ташкил этади, баланс фойдасининг 23 проценти мазкур тўлов сифатида бюджетга ўтказилади.

Шуни айтиш керакки, кейинги вақтларгача фондлар учун ҳақнинг иқтисодий омил сифатидаги имкониятларидан кам фойдаланилган эди. 20 процентга яқин ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ тўлашдан озод қилинган эди. Эндиликда фондлар ҳақи тўловини кучайтириш мақсадида кредит олмасдан нормадан ортиқ миқдорда хосил қилинган запаслар ва ўрнатилмаган ускуналар учун ҳам фонд ҳақи тўлаш жорий этилган. Бу тадбир бекор турган механизм ва ускуналарни тезроқ ишга туширишга сафарбар қилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш фондларидан камроқ фойдаланиб, кўпроқ фойда олган ва планни ортиғи билан бажарган корхоналар тежалган фонд ҳақи тўловларини ўз ихтиёрида қолдирадилар.

Ҳар бир корхона ва бирлашма молиявий ресурсларидан бири оборот маблағларидан унумли фойдаланишдир. Оборот маблағларига бўлган эҳтиёжни камайтириш мақсадида улар янгидан илмий асосда нормаллаштирилади. Бу тадбир асосида тежалган маблағлар кредит ва бюджет ресурсларини кўпайтиришга ёрдам беради.

Хўжалик механизмини такомиллаштиришда халқ истеъмол товарлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифат даражасини яхшилаш мақсадида молиявий омиллардан тўлароқ фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу мақсадда иш ҳақи системасига муҳим ўзгаришлар киритилади ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг янги тартиби жорий этилади. Ўн биринчи беш йиллик рағбатлантириш фондларининг бар қарор нормативлари белгиланиб, ундай нормативлар сифат жиҳатидан юқори категориялы маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бирлашмалар учун амалга оширилади. Рағбатлантириш фондларини ташкил этиш факторлари сифатида меҳнат унумдорлигини ошириш юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, корхонанинг истеъмолчиларга шартномада кўрсатилган молларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ҳам эътиборга олинади.

Яқинда рағбатлантириш фондларини ташкил этиш факторлари айрим министрликлар бўйича табақалаштирилди. Кўпчилик иттифоқ министрликлари учун меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот сифати эътиборга олинди. СССР Газ саноати министрлиги, Гўшт-сут саноати, Медицина саноати, Денгиз флоти. Озиқ-овқат, Балиқ хўжалиги саноати министрликлари бўйича меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш, СССР Енгил саноат министрлиги бўйича эса юқори сифатли маҳсулотнинг ошиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари қўйилади-ган бўлди.

Демак, корхона ва бирлашмалар фаолиятини сон ва сифат кўрсаткичларига қараб рағбатлантириш фондларига ажратиладиган маблағлар миқдори ортиб боради ва улар ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимларни мукофотлаш, моддий ва маданий фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқариш шароитлари ва техника тараққиётига сарфланади. Бундай фондлар ҳисобидан ажратилган маблағлар барча машинасозлик министрликлари, Рангли металлургия, Химия ва Енгил саноат министрликларида фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Биз, — деб уқтирган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида, — ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишдек жуда муҳим вазифани ўз олдимизга қўйганмиз. Бу вазифа доимо диққат марказида туриши лозим».

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишдаги роли ва аҳамияти тўғрисида»ги қарорида кейин ўтган даврнинг ўзида бу қарор талабларини бажариш юзасидан мамлакатимизда ва республикамизда бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Республикамиз Оғир ва Енгил саноати министрликлари, бирлашмалар ва корхоналарда хўжалик ва инженер-техник ходимлари, мутахассислар сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида хўжалик механизмини такомиллаштириш масалаларини ўрганиб чиқдилар. Иқтисодий конференцияларда қатор тавсияномалар қабул этилди.

Эндиликда вазифа — назарий билимлар билан бир қаторда, методик кўрсатмалар, низомлар билан пухта танишиб чиқиш ва бу асосда ҳар бир иш участкасида ишлаб чиқаришни янгича бошқариш усулларини жорий қилишни кучайтиришдан иборат. Бу ишда корхона ва ташкилотлардаги экономистлар, айниқса активлик кўрсатишлари керак. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ва республика Госпланнинг иқтисодий, илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент халқ хўжалиги институти саноат ходимларига бу ишда назарий ва амалий ёрдам беришлари лозим.

**Ҳ. СОБИРОВ,**
**иқтисод фанларн доктори, профессор.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

# КАЛЕВАЛА МАМЛАКАТИ ҲАҚИДА ҚИССА

Навоий номли давлат халқ кутубхонасида Ўзбекистон ССРда Финляндия маданияти кукларига бағишланган «Калевала мамлакати» кўргазмаси очилди. Рус, фин, ўзбек тилларидаги китоблар, газеталар, журналлар энг ажойиб достонлардан бири — Калевала достони бунёд этилган ўлка тўғрисида ҳикол қилади. Машҳур фолқлорчи Э. Ленрот нашридаги шу халқ ижоди тошкентлик библиографларнинг фахри ҳисобланади. Кутубхонада ўтган аср фин адабиётининг классиги А. Кивн ҳаётлигида нашр этилган романи «Ака ва сингиллар», шунингдек бу романнинг рус тилига биринчи таржимаси ҳам бор.

Тошкент кутубхонасининг жовонларида Ц. Топелиусниинг, Мартиларнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарларини кўрасиз.

Ўзбекистон халқ кутубхонаси Хельсинки университети ва марказий кутубхонаси билан кўпдан бери дўстона алоқалар боғлаб келади. Ҳар йили Тошкент кутубхонаси номига Финляндия пойтахтидан қарийб эллик хил номда китоблар келиб туради. Тошкентдан эса финляндиялик китобхонларга ўзбекистонлик олимларнинг тилшунослик, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника масалаларига бағишланган асарлари юборилиб турилади.

(ЎзТАГ).

## СПОРТ

*

Хоразм области. Область пионерлар саройининг спорт залида ёшларнинг «Умид» совғини учун бокс бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этишди. Суратда: мусобақа совриндорлари: қорақалпоғистонлик спортчилар (чапдан ўнгга) М. Фозилов, Х. Бозоров ва Т. Иброҳимов.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

# ЛАББАЙ ДЕЙМИЗ

Серқуёш республикамизнинг кекса олий ўқув юртларидан бири — Тошкент халқ хўжалиги институти студентлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, ҳамма меҳнаткашларга Мурожаатини зўр ҳаяжон билан кутиб олдилар. Улар Мурожаатнинг илҳомбахш ҳар бир сатрини тўлқинланиб, қайта-қайта ўқиб чиқдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг катта-ю кичик барча аҳолиси ўзини фахр билан пахтакор, деб атайди. Мурожаат эзлон қилиниши муносабати билан институтимизда ўтказилган митингда сўзга чиққан ўқитувчилар ҳам, студентлар ҳам ҳозирги машаққатли ўрим-йиғим палласида Уроқ ва Болга иттифоқи, шаҳар билан қишлоқнинг ленинча дўстлиги алоҳида куч билан намоён бўлишини такрор-такрор тилга олдилар.

Ҳа, институтимиз студентлари қатор йиллардан бери Қўйиқ Жиззах области далаларига чиқиб, олтин қўлли «оқ олтин»ни машинколарига пешона тери тўкиб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда яқиндан кўмак бериб келишмоқда. Бу анъанага чексиз садоқатли студентларимиз Мурожаатдан руҳланиб, яна йўлга — оппоқ пахтазор томон отландилар. Иш кунининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир ишчи кучи ҳар қачонгидан кўра азиздроқ бўлган ҳозирги пайтда Тошкент халқ хўжалиги институти студентларининг ўрни асамат пахтакорлар ёнида! Жонажон республикамизнинг 5 миллион 850 минг тонналик улкан хирмонига ҳисса қўшиш бизнинг шарафли бурчимиздир.

**М. АҲМЕДОВ,**
**Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти.**

ЯНГИ СПОРТ БАЗАЛАРИ

# САМАРҚАНД ШАБАДАСИ

Экскаватор мотори кучли гуриллаб, «хартум»и ерга қадалди. Володя чаққонлик билан мурвватни бураб газни босди. Ковш тўла намхуш тупроқ кўзғалишга шай бўлиб турган самосвалга тўкилди. Шу пайт ён тарафдан Авгоннинг овози келди.

— Володя, бироз дам олайлик, кун ҳам қизиб кетди.

Улар сал наридаги дарахтлар соясига ўтдилар.

— Сезяпсанми, — гап бошлади Авгон.

— Нимани, — шеригига назар ташлади Володя.

— Шабадани-да.

— Барибир Москваникига ўхшамайди. Иккимиз Москва Олимпиадаси томошалари вақтида Крилатскдаги эшкак эшиш базасида бўлганимиз ёдингдами?! Ушанда, худди шунга ўхшаш шабада эсиб турганди.

— Самарқанд шабадасининг фарқи бор, деб ўйлайсанми?

— Бўлмасам-чи. Москвада ҳам шабада барқарор, яъни бир маромда эсиб туради. Тўғри бу ерники ҳам ўшанақа, лекин майинроқ.

— Ҳорманглар йигитлар, — СССР спорт комитетининг Самарқанд области бўйича давлат тренери Владимир Басинский келиши билан улар ўринларидан турдилар. — Каттиқ қатламга дуч келибсизлар-да.

— Барибир, бўш келиш йўқ. Қурилишнинг 1400-метридаги участкасигача ишни ўрикпатган эканмиз, якуни ҳам бизнинг фойдамизга ҳал бўлади, деяверинг.

— Кунлик графикни 140—160 процент қилиб бажариб турганимиз, дўстим Авгоннинг гапида жон борлигидан далолат эмасми, — шеригининг гапини маъқуллади. Володя.

Йигитлар ишга тушиб кетишди. Экскаватор билан автоскрейпернинг гуриллаши атрофни тутди.

— Авгон Жигиталиев билан Володя Артюшинлар азаматқурувчилардан, — ҳикоя қилади Басинский. — Яқинда улар Москвадан қайтиб келишди. Қайиқ ҳайдовчиларнинг Олимпиада мусобақалари ўтказилган ерда сув сатҳини йўлакларга ажратувчи шарлар ва мутахассислар баҳосига сазовор бўлган қайиқларни қўришибди. Энди Самарқанд уй-рўзғор буюмлари заводида тайёрланган ана шу мажсулотлар ҳақида гапиришгани гапиришган. Йигитларимизнинг орзуси яқин йиллар ичида Самарқанд яқинида бунёд этилаётган эшкак эшувчилар каналида халқаро миқёсдаги мусобақаларни томоша қилиш.

— Янги спорт базасини барпо этиш учун жой танлашда кўпроқ нималарга аҳамият берилди?

— Маълумки, эшкак эшувчилар баҳсини ўтказишда эсувчи шабаданинг аҳамияти катта бўлади. Бугунги кунда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган Зарафшон дарёси яқинидаги Қорасув ва Обирақмат ариқларининг оралиғи мутахассислар томонидан барқарор шабада эсувчи жой деб асослаб берилди. Бундай шабада эса спортнинг мазкур тури бўйича халқаро федерация низом ва талабларига ҳам мос бўлиб тушади. Геологлар бу ернинг юз йиллик тарихига назар ташладилар. Ана шундай хулосаларга таянган ҳолда Крилатскдаги қайиқ ҳайдаш каналига ўхшаш йирик спорт базаси бунёд этишга киришдик...

В. Басинскийнинг айтишига қараганда, СССР спорт комитетининг раиси С. Павлов Самарқандда бўлган кезларида янги спорт базаси қурилишини бориб кўрган ва иншоотнинг мамлакат сув спорти тараққиётига қўшадиган ҳиссаси катта бўлишини таъкидлаб, Самарқанд йирик мусобақалар ўтказиладиган жойлардан бирига айланади, деган. Дарвоқе, СССР спорт комитетининг қарорига мувофиқ келгуси йилнинг октябрида Самарқанд шабадаси эсиб турган ажойиб масканда кучли эшкак эшувчилар СССР кубоги учун баҳс юритадилар.

Самарқандда бошланган хайрли ишга область партия комитети бевосита раҳбарлик қилмоқда. Чунончи янги спорт базасининг лойиҳаси тузилишидан тортиб, қурилиш ишлари олиб борилаётган айни кунларда ҳам область партия комитетининг иккинчи секретари В. Куксенко барча ишларга бош-қошлик қиляпти. Ҳатто бўлажак мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитларни яратиш, спортчиларга керакли техника воситаларичи етказиб бериш каби вазифалар бугунги кунда ҳал этилмоқда. Жумладан, Самарқанд уй-рўзғор буюмлари заводи коллективи турли приборлар, энг муҳими спорт қайиқлари ишлаб чиқаришни муваффақиятли ado этмоқда.

Областда физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашга, айниқса эшкак эшиш спортига алоҳида эътибор берилмоқда. Самарқандликлар кўплаб умидли спортчилар қайиқ ҳайдаш бўйича маҳоратларини оширишаётганидан беҳад мамнундирлар. В. Буканов СССР халқлари VII Спартакиадасида фахрли учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ГФРда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медалини кўксига тақди. Хулоса қилиб айтганда, қадимий Самарқандда қайиқ ҳайдаш базаси фойдаланишга топширигач, республикада, қолаверса, мамлакатимизда спортнинг қизиқарли турларидан ҳисобланган эшкак эшишга ихлос қўйғанлар сафи янада кенгаяди. Кўҳна шаҳар бағрида камол топган ёшлар халқаро мусобақаларда совет спорти шарафини муносиб ҳимоя қиладиган бўладилар.

Агар Иттифоқда ягона Крилатск қайиқ ҳайдаш каналида фақат йилнинг маълум ойларидагина мусобақалар ўтказиш имконияти бўлса, Самарқандда йилнинг ҳамма фаслида катта-кичик баҳслар уюштириш мумкин бўлади. Лойиҳага кўра, қайиқ ҳайдаш каналининг узунлиги 2215, эни 126 метрдир. Мусобақаларни 2500 дан зиёд томошабин келиб кўра олади. Усти берк сузиш бассейни, спорт зали ва меҳмонхоналар қурилиши ниҳоясига етгач, қайиқ ҳайдаш канали комплекс ҳолига келади ва бу манзилгоҳ шаҳарликларнинг энг сўлим дам олиш зоналаридан бири бўлиб қолади.

**А. ҚОРЖОВОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## 103 ЁШЛИ ОНАХОН

Тошкент район, Ленин номли колхозидаги Ҳиёвон қишлоғида истиқомат қилувчи Қамбар ая Шоназарович яқинда қариндош-уруғлари ва танишбилишлари 103 ёши билан қизғин муборакбод этишди. Йиғилганлар. Қамбар аяга узоқ умр кўришингизнинг боиси нимада?—деб савол бериш-да у ҳеч иккиланмай, меҳнатдан, фаровон турмушдан деб жавоб берди. Бу бежиз эмас, албатта. Қамбар ая яқин-яқинларгача колхозда ипак қуртн тутиб, мўл-кўл «кумуш тола» етиштириб келди. Турмушидан нолийдиган жойи йўқ.

Ҳозир аянинг эллик нафардан ортиқ невара-чевара, эваралари бўлиб, улар бахтиёр онанинг ҳурматини ўрнига қўйишяпти. Қамбар аянинг катта қизи Муборак опа Абдукаримова 64 ёшга борди. У ҳам донгдор пиллакор, шунингдек ўн бир фарзанднинг жонкуяр онаси — қаҳрамон она.

**Т. ЖЎРАЕВ.**

## БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● АВТОКУПКУРАШ. Тошкент ва Чирчиқ спорт базаларида автомобиль кўпкураши бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди. Мусобақада спортчилар милтиқдан отиш, «ЗИЛ-130» ҳамда «Жигули» машиналарини фигурали бошқариш бўйича ўзаро баҳслашдилар. Шахсий ҳисобда В. Сенин (РСФСР) олтин медални қўлга киритди. Умумкоманда ҳисобида РСФСР вакиллари биринчи бўлишди. Латвия ва Ўзбекистон командалари 2 ҳамда 3-ўринларни эгалладилар.

● УМИД СТАРТЛАРИ. Қора денгиз бўйидаги «Артек» лагерида «Умид стартлари» мусобақалари давом этмоқда. Мусобақада муваффақият қозонган андижонлик сузувчи, 13-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Р. Салюшева Олимпиада чемпионлари Ю. Богданова билан М. Кошевая қўлидан совғи олишга эришди.

● ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси дастлабки сафар учрашувини Москвада ўтказди. «Локомотив» хоккейчилари билан бўлган ўйинда (2:1, 3:3) қимматли учта очко қўлга киритган бинокорчилар жами очколарини олтитага етказишди.

● ФУТБОЛ. Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг 27-тур ўйинларини ўтказишди. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Пахтакор» — «Локомотив» — 0:2, «Қайрат» — «Кубань» — «Зенит» — 0:2, «Қайрат» — «Спартак» — 1:0, «Арарат» — «Торпедо» — 0:0, ЦСКА — «Динамо» (Тб) — 0:2, «Шахтёр» — «Черноморец» — 1:0, «Нефтчи» — СКА — 1:1, «Динамо» (К) — «Карпат» — 3:0, «Динамо» (Мн) — «Динамо» (М) — 0:1. Ҳозир кневлик динамочилар 42 очко билан пешқадамлик қилишмоқда.

Редактор
**М. ҚОРИЕВ.**

# ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

13 — 19 ОКТЯБРЬ

### 13 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Қачон қор ёғади?» Фильм-спектакль. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Сиз яратган боғ. 18.00 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 18.35 — Бўрилар ва қўйлар. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Фестиваллар... Конкурслар... Концертлар. 23.15 — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

18.05 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00. Оталаримиз йўлидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Кино оламида. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Илмий-оммабоп программа. 20.55 — Телефильм. 21.10 — Ёшлик. 21.40 — Телеочерк. 21.50 — Ўзингни билиб ол. Бадиий фильм.

### 14 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Бўрилар ва қўйлар. Фильм-спектакль. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.00 — Концерт. 17.30 — Телестадион. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Концерт. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Концерт. 20.50 — Меҳнат шоншуҳрати байроқдорлари. 21.05 — Жарлик. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Москва кузи. 23.15 — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

18.20 — Болалар учун фильм. 18.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Стандарт — бу сифат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Ишга туширилаётган объектлар сафига. 22.30 — Қулфсиз эшик. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Реклама. 21.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.45 — Телефильм. 22.05 — Варшава оҳанги. Телеспектакль.

### 15 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Мультфильмлар. 10.30 — Жарлик. Бадиий фильм. 10.55 — Концерт. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 16.25 — Қадрдон табиат. 16.45 — Рус тили. 17.15 — Биз БАМни қуряпмиз. 17.45 — Концерт. 18.15 — Горичилар, қаердасиз! 18.45 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Москва кузи. 20.30 — Ҳужжатли экран. 21.30 — Время. 22.15 — Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. СССР — Исландия. Танаффусда — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.30 — Гидролиз. 13.00 — Ёзувчилар — пахтакорларга. В. Саъдулла. 13.20 — Қулфсиз эшик. Бадиий фильм. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.40 — Қувноқлар даврасида. 19.10 — Ангрен энергетиклари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР Давлат мукофотига номзодлар. Ҳ. Гулом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Қўшиқ билан учрашув. 23.30 — Бугун оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Телефильм. 21.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.45 — Огир соатда. Бадиий фильм.

### 16 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Горичилар, қаердасиз! 10.45 — Кўр музикачи. Бадиий фильм. 12.00 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — М. Глинка. Катта секстет. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — Ўсмирлар ижоди. 18.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Биринчи курьер. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 Хоккей. «Спартак» — «Крилья Советов». Танаффусда — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Фонарча. 12.30 — Жасиятшунослик. 13.20 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Музикали учрашувлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Контрабанда. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Фан. 20.50 — Ер ва эл. 22.00 — Ҳалқой. Телебадиий фильм.

### 17 ОКТЯБРЬ, Ж У М А

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Биринчи курьер. Бадиий фильм. 11.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Жон Рид. Ҳаёти ва ижодий саҳифалари. 16.55 — Концерт. 17.30 — Подмосковье учрашувлари. 18.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Илмий-оммабоп фильм. 19.50 — Эрмитаж. 20.20 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей. ЦСКА — «Динамо» (Р). Танаффусда — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Буратино. Спектакль. 13.30 — Контрабанда. Бадиий фильм. 18.20 — Кўғирчоқ фильмлар. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — 1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Белоруссия телевидениеси программасининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 — Жангга тайёрман. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.55 — Реклама. 21.10 — Бошлангич мактаб: муаммолар ва ечимлар. 21.40 — Телефильм.

### 18 ОКТЯБРЬ, Ш А Н Б А

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Буратино кўргазмаси. 10.45 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.15 — Советлар ва ҳаёт. 11.45 — М. Лермонтов поэзияси. 12.25 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 13.00 — Ғолиблар. 14.15 — Спортлото. 14.30 — Музикали телевизион фильм. 15.00 — Эрмитаж. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Кўрқув билмай. Бадиий фильм. 17.05 — Ҳайвонот оламида. 18.05 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.35 — Кинопанорама. 19.05 — Ҳамдўстлик. 19.50 — Эзгулик тантана қилади. Телеспектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Концерт. 23.40 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 Фильм-концерт. 10.35 — Сўз кетидан сўз келар. 11.05 — Ўзбекистон спорти. 11.35 — Онамларнинг мактаби. 12.05 — Цирк программаси. 12.45 — Қувноқ воқеалар. Бадиий фильм. 17.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Спартак». Танаффусда — кинофильм. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — До-ре-ми-фа-соль. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Нодира лирикаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Нодира лирикаси (давоми). 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Эстрада программаси.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

18.40 — Душанба кўрсатувлари.

### 19 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.50 — Халқ оҳанглари. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.55 — Фан ва техника Киножурнал. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Катта ўзгаришлар. Бадиий фильм, 2-серия. 15.45 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 16.35 — Концерт. 17.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.20 — Халқаро панорама. 19.05 — Фильм-концерт. 19.55 — Рудин. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Москва кузи. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Футбол. ЦСКА — «Қайрат». 24.00 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Куйла. Санобар. Фильм-концерт. 10.40 — Олтин соат. Бадиий фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Қалбим ва қўшиғим сизга. 13.40 — Шахмат мактаби. 14.10 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Калев» (Таллин). 14.40 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Юлдузча. 19.05 — Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. Г. Саъдуллаева. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Концерт.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.10 — Фрунзе кўрсатувлари.


Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1980-81 ўқув йили учун физика-астрономия, математика, математика-физика, умумтехника ва меҳнат, умумтехника ва физика, музика ва ашула, расм ва чизмачилик, мактабгача тарбия педагогикаси, бошланғич таълим методикаси, дефектология, ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти ихтисослари бўйича

Кундузги тайёрлов бўлимига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлгандан сўнг камида 1 йиллик меҳнат стажига эга бўлган илғор колхозчи ва ишчи-ёшлар, шунингдек, Совет Армияси хизматини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганларнинг барчаси стипендия билан (областлардан келганларга ётоқхона берилади) таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимининг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган барча тингловчилар шу институтнинг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8 ой.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма): иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, иш жойидан йўлланма, паспорт ва ҳарбий билет кўрсатилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй. Телефон коммутатор 53-39-27, қўшимча 6-02. (54-автобус ва 3, 11 троллейбусларнинг «Пединститут» бекати).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

пуллик тайёрлов курсларига (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда)

1980—81 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курслари тингловчиларни техник профилдаги олий ўқув юртларига тайёрлайди.

Машғулотлар юқори малакали ўқитувчилар томонидан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари программаси бўйича химия, физика, математика, рус тили ва адабиётидан олиб борилади.

Пуллик тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (нусхаси), уйнчи синф ўқувчилари — мактабдан справка, иш жойидан справка, 2 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Ўқиш муддати — 8 ой.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинмоқда.

Ўқиш ҳақи (бутун ўқиш даври учун) 34 сўм.

Машғулотлар 15 октябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-100, Горбунов кўчаси, 5-уй (3, 18, 50, 54-автобуслар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайларнинг «Соцгородок» бекати. 84-автобус, 11-троллейбусининг «Тўқимачилик институти» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Хда Абу Али ибн Сино, 12/Хда Келинлар қўзғолони (12.00), Ғариблар (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/Х да Хўжайин, 12/Х да Ур, тўқмоқ (16.00), Кулги кечаси (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (11/Хда 16.00, 19.30 да, 12/Х да 13.00, 16.00, 19.30 да).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Ипакчилик бош бошқармаси коллективи Фарғона шаҳридаги 1-ипак заводи директори Қ. Тўхтасиновга отаси

Тўхтасин АШУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.05 — Футбол шарҳи. 11.35 — Кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб берайлик. 12.05 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Ғолиблар. 13.45 — Концерт. 14.55 — Мультфильмлар. 15.30 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.00 — Хоккей. «Динамо» (М) — ЦСКА. Танаффусда — Спортлото. 18.15 — «Қароқчи». «Бизнес оламида» туркумидан. 19.10 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 20.15 — Дашт. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Дашт. Бадиий фильм, 2-серия. 23.00 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Концерт. 12.05 — Ўзбекистон спорти. 12.35 — Қорақалпоғистон шоирлари. 13.45 — Сиҳатсаломатлик. 14.15 — Юрак амри. Бадиий фильм. 15.45 — Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги. 18.20 — Кўғирчоқ фильмлар. 19.00 — Санъат гунчалари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Союзмультфильм киностудияси — меҳмонимиз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Тергов. Бадиий фильм.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

19.10 — Душанба кўрсатувлари.

## РАДИО

**БУГУН**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — М. Дадабоева ва М. Йўлчиева ижро этади. 9.30 — Ёшлик. 10.25 — Гулшан. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 13.00 — Илғор тажриба мактаблари маршрути бўйлаб. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Механизатор минбари. 16.10 — Мен севган қўшиқ. 17.30 — «Шодлик» ансамблининг солистлари ижро этади. 18.15 — Ҳисобот ва сайловлар давом этмоқда. 19.45 — Най наволари. 20.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Пахтакорлар учун концерт. 22.30 — Ўзбек лирик қўшиқлари. 23.20 — Нодира газаллари билан айтиладиган қўшиқлар.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-64; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси нинг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02280. Ўзбек